



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 19 июль, № 138 (4037)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган

Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўйидаги шартлар инобатга олинган ҳолда қўшилисин:

1) **Баённоманинг 5 (2) (b) моддасига тааллуқли:** "Ўзбекистон Республикаси халқаро рўйхатдан ўтган белгини муҳофаза билан таъминлашни рад этиши тўғрисида Халқаро бюронинг белгини Баённоманинг 3^{инч} моддасига мувофиқ муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши ҳақидаги билдиришномаси олинган санадан бошлаб 18 ойдан кечиктирмасдан Халқаро бюрога маълум қилади";

2) **Баённоманинг 8 (7) (a) моддасига тааллуқли:** "Ўзбекистон Республикасида Баённоманинг 8-моддасида назарда тутилган қўшимча ва қўшилган божлардан ажратманинг бир қисми ўрнига талабнома берувчидан ёки халқаро рўйхатдан ўтказилган белгининг эгасидан белгини муҳофаза қилишга тааллуқли бўлганлик ёки халқаро рўйхатдан ўтганлик мuddатини узайтириш тўғрисида халқаро талабнома берганлик учун яқка тартибда бож белгиланади ва ундирилади";

Ўзбекистон
Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 18 июль.
№ УРҚ — 40

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган;
Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган

Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битими (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилинсин.

Ўзбекистон
Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 18 июль.
№ УРҚ — 41



АЗИЗ ВАТАНДОШ!


Шу кунларда меҳнат жамоаларида, барча ҳудудларда 2006 йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар таҳлил қилинмоқда.

Одимларимиз йил бошида кўзлаган мўлжалларимизга муносибми? Эришилган маромни жадаллаштириш учун нималар қилишимиз лозим?

Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги нишонланадиган қувончли айёмни ёруғ юз билан кутиб олайлик!

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ



Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам Президентимиз Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишга туширилишида «Ватанимиз автомобилсозлик саноатида янги, умидбахш саҳифалар очди ва эндиликда у мамлакат қудрати, салоҳияти, нуфузини жумлаи жаҳонга кўз-кўз қилади» деб таъкидлаганди.

Ўн йил аввал Асака шаҳрига олиб борувчи йўллар эгри-бугри эди. Йўл бўйларидида пасткам уйлар, зовурлар қазилишдан ҳосил бўлган тупроқ уюмлари чанги кўнгилларни хижил қилар, руҳиятга таъсир этарди. Темир-терасқлар

сочилиб ётган прицеплар заводининг ёниги-мойлаш материаллари тўкилавериб тупроғи кўнгири тус олган ховлисига оёқ қўйиб бўлмасди. Халқимизда яхшининг шарофати, деган нақл бор. Шу маънода

Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг ишга туширилиши бу ҳудуднинг обод гўшага айланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Таъкидлаш жоизки, енгил автомобиллар ишлаб чиқаришнинг

йўлга қўйилиши билан бирга, бир вақтнинг ўзида уларга хизмат кўрсатувчи бутун бир инфратузилма ҳам яратилди. Хусусан, жойларда очилган шохобчаларнинг жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган илғор технология-

лар билан таъминлангани, мутахассисларнинг билим ва маҳорати, ишончли хизмати кўнгилларга ёруғлик солади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди узра учиб ўтар эканман, Сизга ўз саломларимни, Ўзбекистоннинг дўст халқига эса фаровонлик ва гуллаб-яшнаш истаги билан йўғрилган эзгу тиллақларимни йўллайман.

Жаноби Олийлари, ушбу фурсатдан фойдаланиб, 2006 йилнинг апрелидаги Ўзбекистонга

ташрифимни ва Сиз билан бўлиб ўтган учрашувимизни катта мамнуният билан ёдга олганимни айтмоқчиман. Ташриф бизга икки томонлама муносабатларга доир ҳамда бошқа муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконини берганидан бахтиёрман. Ишончим комилки, мулоқотларимиз чоғида эри-

шилган келишувлар яқин келажакда ҳаётда ўз ифодасини топади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустақам сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар тилайман.

Манноҳон СИНГҲ,
Ҳиндистон Республикаси
Бosh вазири.

Сўзда эмас, амалда



Жамшиддин САЙДАЛИЕВ,
"Мўъжаз санъат" студияси
раҳбари, Тошкент шаҳри,
29 ёш:

— Келинг, аввал бир нарсага эътиборингизни қаратсам. Одатда ишдан қайтган, имкон қадар телевизор томоша қилишга вақт ажратаман. Ойнаи жаҳон орқали берилаётган турли хил кўрсатувларни, айниқса, ахборот дастурларини диққат билан кузатаман. Бугун дунёнинг турли бурчларида содиқ бўлаётган воқеа-ходисалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Чунки ҳар кун бир ноҳус хабар бизни доимо сергакликка ундайди: қаврдадир аҳолининг бетартиб намоёниши оқибатида кўчалар, уйлар вайронга айланган, яна қайсибир бир ҳудудда икки давлат ўртасидаги узро низо сабабли тинч аҳоли жабр кўраётган, терроризм балосидан азият чекаётган одамлар, келажакти барбод бўлиб бораётган болалар, ҳуллас, нотинч бир ҳаёт ас эътирлади. Шуларнинг гувоҳи сифатида бугунги тинч ва осуда кунларимизга, умуман, юртимизга кўз тегмаслигини доимо Яратгандан илтижо қилиб сўраймиш.

Менинг асосий иш фаолиятим халқ

Бир савол

Мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги барчага маълум. Сиз ана шу бурчни адо этиш учун нималар қилдингиз?

амалий санъатининг миннатори йўналишини ривожлантиришдир. Бу борада озми-кўпми тажрибага эгаман. Ўзбек халқига хос хислатим — болаларни жуда-жуда яхши кўраман. Шунинг учун ҳам хунаримни ёш авлодга ўргатиш асосий ниятим ҳисобланади. Айниқса, ота-онасидан, яқин кишиларидан бевақт ажраган ёки қайсибир бир сабаб билан меҳрибонлик уйига тўшиб қолган болаларнинг ўқиб кўнглини олгим келади. Шу боис пойтахтимиздаги 21-22 меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган юзга яқин воёга етмаган болаларни шогирдликка олганман. Улар билан ишлаш мароқли ҳамда менга доимо завқ бағишлайди.

Хунаримни чет давлатларда ҳам намойиш қилиш, шу орқали Ўзбекистон довуруғини дунёга ёйиш истаги йўқ эмасди. Хорижда шахсий кургазмаларимни уюштиришни, жонахон Ўзбекистонимизнинг бой тарихини, маданиятини ўзга халқларга янада яқинроқ таништиришни кўнглимга тўксандим. Бу ниятим ҳам амалга ошмоқда. Мисол учун, 1999 йилда Голландия, Франция давлатларида шахсий кургазмаларим ташкил этилди. Франциянинг Бадий

академиясида малака ошириш бахтига муяссар бўлдим. Мен қаби кўнглилик хунармандларнинг яна бир орзуи бор. У ҳам бўлса дунёнинг энг катта музейларидан ҳисобланмиш "ЛУВР"га ўз асарларидан, ҳеч бўлмаганда, биттасининг қўйилишидир. Ўзбекистоннинг вакили сифатида менинг бир эмас, икки асарим — "Олишув" ва "Икки шаҳодатнинг ови" ҳозир айнан ана шу музейда сақланмоқда. Бу менга ҳар доим гуруру ва ифтихор бағишлайди.

Ўтган йили Францияда бўлиб ўтган халқаро фестивалда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан бирга катнашдик. Ўзбекистон фарзандларининг ижод намуналарини хориқлик мутахассислар алоҳида эътироф этишди. Коллажерса, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус-2005" кўрик-танловининг республика босқинида ҳам муваффақиятли иштирок этдик. Галдаги ниятим, "Мўъжаз санъат" студиясини нафақат Тошкент шаҳрида, балки юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам ташкил қилишдир.

"Халқ сўзи" мухбири
Шаҳкат ОРТИҚОВ ёзиб олди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг озик-овқат маҳсулотларида микроэлементлар танқислиги муаммосини ҳал этишга катта аҳамият берила бошланди.

УНИ БОЙТИШ ТАРҒИБОТДАН БОШЛАНАДИ



2003 йилда Уни бойитиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда JFPR 9005 лойиҳаси амалга оширилиб, юртимиздаги 14 та ун ишлаб чиқарувчи корхонада маҳсулотни витамин ва минераллар билан бойитиладиган маҳсуот мослама — дозаторлар ўрнатилди. 2004 йилда Ўзбекистон минтақадаги мамлакатлар ичида биринчилардан бўлиб Уни бойитиш дастурини амалга ошира бошлади. Озиқланишни яхшилаш бўйича глобал альянс томонидан ажратилган 2,8 миллиард доллар миқдоридидаги грантга эга бўлди. Мақсуд дастур республика соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" АК, ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки томонидан амалга оширилмоқда.

Озуқавий микроэлементлар танқислиги ҳамда анемия муаммоларини ҳал этишга жамоатчилик эътиборини мақсадда ташкилотчилар оммавий ахборот воситалари ходимлари учун танловлар ўтказишни режалаштиришган. Шу йилнинг июнь ойида биринчи танловга яқун ясалди.

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида

Уни бойитиш бўйича миллий дастурни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича иккинчи танлов эълон қилинишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Гуломов, Миллий матбуот маркази раҳбари Ф. Низомов, Гематология ва қон қуйиш институти Анемия марказининг директори Д. Сулаймонова, Уни бойитиш бўйича миллий дастур менежери О. Мирҳошимов ва бошқалар аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, микроэлементлар танқислиги ва анемия касаллиги, уларни даволашдаги муаммолар, танлов шартлари ҳақида гапиришди. Республика Соғлиқни сақлаш

вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мақсуд танловда мамлакат, вилоят, шаҳар ва туман электрон ва босма ОАВ ходимлари, шунингдек, эркин журналистлар иштирок этишлари мумкин. У олти номинация бўйича ўтказилади. Танлов 2007 йилнинг февралда яқунланади. Ҳолиларга қимматбахшо совғалар топширилади.

Тадбирда Уни бойитиш бўйича миллий дастур веб-сайтининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Дастур бўйича қизиққанлар энди www.nop.uz сайтига кириб ўзлари учун зарур маълумотларни бемалол олишлари мумкин.

Бекқул ЭҒАМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.


ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛЛАРИ

Сирдарё вилояти

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ



1988 йилда икки кўриқ вилоят бирлаштирилиб, унга марказ сифатида 8 Гулистон ёки Жиззах шаҳри танланиши лозим эди. Икки кун давомида Тошкентдаги қатор нуфузли идоралар, шунингдек, республика телевидениесидан келган меҳмонлар Гулистон шаҳри билан ақидан танишиб чиқиди. «Бу ер вилоят маркази эмас, шунчаки каттароқ қишлоқ экан...» Меҳмонларнинг хулосаси ана шундай бўлди. Тўғри, икки йил ўтар-ўтмас Юртбошимиз бу икки вилоятнинг бирлаштирилиши иқтисодий тибқи бошқариш учун маъноли эмаслигини асослаб бердилар. Натигада Гулистон яна кўриқ вилоят маркази макomini олди.



Истиклолдан то бугунги кунгача 15 йил ўтди. Эҳтимом, кимдир кейинги йилларда Гулистонга меҳмон бўлиб келган бўлса, уни танимай қолгани ҳам мумкин. Кенг ва раво кўчалар, хиёбонлар, боров-роғлар, болалар учун мўлжалланган катта ва кичик ўйингоҳлар, очик ва ёпиқ сув ҳавзалари, теннис кортлари шаҳар кўрғида кўрк қўшиб турибди. Ким билсин, балки меҳмон хаёлидан «Мана шу обод шаҳар, наҳотки, ўша қамишлардан иборат Гулистон бўлса...» деган сўзлар ҳам утар.

Шаҳарни қайта қуриш даврида йилга мамлакат бюджетидан 13-15 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шу тарихда янги банк, турар-жай бинолари, қўшма корхоналарнинг мухташам қосоналари, тез тиббий ёрдам маркази, қоллиез ва бошқа кўплаб иншоотлар қад кўтарди.

Яқинда болалар спортини ривожлантириш вилоят жамоатчилигининг раҳбарлари билан суҳбатлашиб қолдим. Фақат кейинги 5-6 йил ичида туман марказлари олис қишлоқларда 500 га яқин каттаю кичик ўйингоҳлар барпо этилибди. Бу ўйингоҳларда бугунги кунда минглаб фарзандларимиз спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, теннис, аңгил атлетика, бокс ва бошқа турлари билан мунтазам шугулланиб келишяпти. Уларнинг базилари ҳомийлар ва ҳиммати баланд тадбиркорлар кўмағида ишга туширилган бўлса, аксарияти эса республика ва вилоят бюджетидан ажратилган маблағлар эвазига қад ростлади.


Фарзандлари соғлом юрт — бадавлат бўлади. Ушбу мағзи тўқ ҳикматли ибора эндиликда кишиларимизнинг қон-қонига сингиб кетди. Зеро, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом авлодгина юртинг эртаси ҳисобланади. Фақат кейинги йилларнинг ўзида вилоятда 30 га яқин лицей, коллеж ва фанларни чуқур ўзлаштиришга ихтисослашган таълим-тарбия масканлари қуриб битказилди. Ушбу илм даргоҳлари қурилишлари йилга 14-16 миллиард сўмдан маблағ сарфланапти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури» ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини бажариш борасида талай хайрли ишлар поёнига етказилмоқда. 2004-2005 йиллар мобайнида 8 та янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 86 та мактаб эса капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Ана шу мақсадлар учун ажратилган 3433,9 миллион сўм тўлиқ ўзлаштирилди.

Хар бир инсонда ўз қадр-қимматини аңгаш туйғуси бўлмоғи шарт. Ана шу туйғусиз на ўтмишини, на бугунини, на эртани ҳолис кўз билан баҳолай олади. Нега мен бажарилган ишларни ва ана шу ишлар ақл этган рақамларни бунчалик ҳижжалаб мисол келтирайман? Бунинг сабаблари бор. Вилоятнинг олис қишлоқларида шундай ўқув даргоҳлари бор эдики, уларни қўрган кишининг юрагига ваҳима ёпирилиб келарди. Кўпкам, куз ва қиш ойларида шифтидан чакка ўтадиган, ёзда эса нафас олиб бўлмайдиган бетон ва тошдан иборат бу мактабларда болаларга таълим бериш хавфи эди. Ўнлаб мактабларнинг шифти ва деворлари қулаб кетиш арасида турарди. Эндиликда уларнинг фақат номлари қолди. Аксарияти бузиб ташланиб, қайтадан бунёд этилди. «Бунёд этилди» деган сўз аслида ҳақиқий аҳволни, ҳақиқий манзарани тўлиқ

очиб бера олмайди. Кенг ва ёрғу хоналарда таҳсил олаётган ўғил-қизларни қуриб баъзан ўқувчига айланиб қолгани келди. Фан кабинетлари, компьютер хоналари, спорт саройлари, очик ва ёпиқ ўйингоҳлар эндиликда тўла-тўқис фарзандларимиз ихтиёрига топширилган. Бирорта мактаб иссиқлик тармоғисиз фойдаланишга қабул қилинмапти. Хар бир мактабнинг ўз мўъжаз боғи бор.

Сардоба туманидаги Гумбаз қишлоғида истиқомат қилувчи кишиларнинг фарзандлари бундан 3-4 йил муқаддам 7-8 чакирим йўл бўлиб, туман марказидаги мактабга қатнашарди. Киши-кировли кунларда шуд-



АҲИЛЛИКДАН ЯШНАГАН ЗАМИН

долларига тенг бўлган ультравушли таҳхис аппарати, биокимёвий ва гематологик асбоб-ускуналар ишлаб турибди. Михозга 1 соат ичида таҳхис қўйилади, иккинчи соатда эса муолажа бошланади. Бундай қулайликларни, бундай эътиборни одамларимиз 10-15 йил муқаддам фақат орзу қилишлари мумкин эди.

Вилоятда кўп киррали иқтисодий шакллантириш, хусусий секторнинг улушини кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалигида фермерлик ҳаракатини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шартнома интизомини янада яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш,

этилган. Улар фақат ўтган йилнинг ўзида 13,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Айниқса, ип-калав ва тиббиёт докиси ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сайхунмедтекс» ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган «Лола модел» қўшма корхонаси фаолияти тахсинга лойиқдир.

Вилоятда иқтисодий танада ривожлантириш учун малакали ишчилар нихоятда зарур. Бу борада меҳнат бозорининг роли беҳисобидир. Сўнгги 4 йил ичида салкам 42 минг нафар одам янги иш ўринлари билан таъминланди. Уларнинг асосий қисми қишлоқда истиқомат қилади. Фақат ўтган йилнинг ўзида янги иш

по этилди. Бу маскани омонга интилган тераклару мевали дарахлар безаб турибди. Хар кеч ва хар тонг ана шу маскан шаҳарликларнинг кўнглиночар жойига айланган.

Қишлоқларда, шаҳарларда мустабид тузумда бу ишлар бошланиши, поёнига етказилиши мумкинмиди? Бошқа вилоятлар сингари, Сирдарё ҳам хомашё етказиб берувчи оддий бир ўлка эди, ҳолос. Пахта яқкаҳқимлиги тараққийнинг икки қўлини маҳкам қисиб турарди. Заводлар йўқ эмасди, фақат уларнинг бари ё пахтани қайта ишлайдиган ёки тракторларни таъмирлайдиган корхоналардан иборат эди. Ана шу заводлар, ана шу корхоналар фақат пахта етиштириш сифатига хизмат қиларди.

Уша даврда вилоят аҳолиси дори-дармон ишлаб чиқарадиган, кийим-кечак тақидиган, қандолат маҳсулотли тайёрлайдиган, даладаги бирламчи маҳсулотни қайта ишлайдиган қўшма корхоналарни орау қиларди.

Ёшим етмишни қоралапти. Айни мустақиллик йиллари Юртбошимиз қўлидан «Эл-юрт ҳурмати» орденини олган бахтли бир инсонман. Вилоят республика миқомидаги қатор гўшаларида ўнлаб-юзлаб шогирдарларим бор. Бундай бахдан қалбим гурурга тўла.

Йиллар тараққийта элтавераркан. 26 гектарлик «Нуронийлар боғи», ёшлар учун мўлжалланган 90 гектардан иборат сўлим масканлар, барча туманларда шу йилнинг эрта қўламинида «Ҳомийлар ва шифокорлар боғлари» барпо этилиши фикримнинг яққол исботидир.

Истиқлолгача бўлган даврда боғлар аёвсиз йўқ қилиниб, ўрнини пахта далаларига бўшатиб берган эди. Одамлар турса ҳам, юрса ҳам, ҳатто туш кўраётганда ҳам пахтани ўйлаб, пахтани гапирар эди. Сирдарёда истиқлол йилларида салкам икки ярим минг гектар янги боғлару узумзорлар яратилди. Шу даладинг ўзидеки истиқлол наеларга қодирлигини, қай манзилларга элтишини кўрсатмайдими?

Истиқлол одамларнинг қалбини тозартди, десак тўғри бўларди. Эндиликда хар бир юртдошимиз эртанги кўнга, фарзандлари истиқболга покиза умид қўзлари билан боқиб турибди. Вилоят «Маҳалла» жамоатчилигининг ташаббуси билан ўтказилган кўрик-танлов «Обод жойда пок инсонлар яшайди» дея номланди. Кишиларнинг ҳаётига тозалик, покизалик оқиб кира бошлайди. Улар нафақат ўзлари яшайдиган хонадонини, ўз кўчасини, балки қишлоғию, шаҳрини ҳам обод қўриш орузида меҳнат қилмоқда.

Биламан, ҳали вилоятимизда иқтисодий соҳасида қилинажак ишлар ҳисоб. Муаммоларимиз ҳам етарли. Бироқ истиқлол бизга шундай бир имконият эшикларини очиб бердики, аҳил бўлса, қалбимиз теран бўлса муаммолар сўзсиз бартараф этилади. Элни севадиган, элни деб яшайдиган одамлар бирлашган жойда умид дарахлари гуллаяверади.

Абдусаттор МУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон фехрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамоатчилиги Сирдарё вилоят бўлими раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори.

Сирдарё вилоятида яшайдиган халқ, кўпни кўрган, оғир синовларда тобланган, меҳнаткам, матонатли халқдир.

Бундай одамлар билан хар қандай намаққатни ениб ўтмиш, янги янги марраларни кўлга кириштириш, янада қўчвор ишларни амалга ошириш мумкин.

Ислом КАРИМОВ

Рақамлар сўзласин



Вилоят бўйича барча манбалар ҳисобидан 2006 йилнинг биринчи ярмида 25 миллиард 820 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди.

Режалаштирилган барча болалар спорт иншоотлари ва мактабларга қўшимча спорт заллари қурилиши жорий йилнинг 3-чорагида фойдаланишга топширилди.

5 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши учун 226 млн. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 162,3 млн. сўм маблағ ўзлаштирилди, 2 та қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди.

Вилоятда 98 та клуб, 198 та кутубхона, 14 та болалар мусика ва санъат мактаби мавжуд.

2 та спорт мактаби, «Алломши» спорт жамоаси, 11 та сузиш ҳавзаси, 12 та ўйингоҳ, жами 1476 та спорт иншооти ва майдони аҳолига хизмат қилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланувчи аёллар сони 82.155 нафарни ташкил этади.

Жорий йилда 2004-2005 йилларда фойдаланишга топширилган умумтаълим мактабларини меъбел, ўқув лаборатория ҳамда спорт жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги орқали Республика теңдер савдоси қолиблари билан 4 томонлама жиҳоз етказиб берувчи 13 та ташкилот ўртасида 578284,2 минг сўмлик шартнома тузилган бўлиб, бугунги кунга қадар бу иш тўлиқ утдаланди.

31 та касб-ҳунар коллежи йўналишларидан келиб чиқиб, 91 та корхона ва ташкилот касб-ҳунар коллежларига бириктирилди.

Вилоятда 1483 та шифокор, 7603 нафар ўрта тиббиёт ходими ишлайди.

Гулистон ва Янгиер тиббиёт коллежларига жами 223,0 минг АҚШ доллари қийматига тенг тиббий жиҳозлар ва компьютер техникалари олинди.

Илгарилари қўлини ишга кесиб, ярасини газак олдирган бемор баъзан 20, баъзан 30 чакирим йўл босиб шифо илинжида туман маркази ёки шаҳарга бориши лозим эди. Эндиликда вилоятдаги юзлаб қишлоқ врачлик пунктлари нафақат яраси газак олган, балки жиддий жароҳат, хасталик билан келган беморларни бемалол даволаш имконига эга. Қишлоқ шифо масканларида тиш қўйиш ва даволаш хоналари, терапия ва жарроҳлик бўлимлари, хомила ёшидаги аёллар билан ишлайдиган хоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Сўнгги 6 йил давомида ана шу қишлоқ врачлик пунктларида Жаҳон тикланиш ва тараққий банк кредити ҳисобига қиймати 2,6 миллион АҚШ долларига тенг тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Қишлоқ аҳолиси самарали ва сифатли лаборатория хизматида фойдаланишлари учун маҳаллий ҳокимликлар ҳомийлигида вилоятнинг 9 та тумани ва Гулистон шаҳар марказий шифонасида замонавий хизмат турлари ташкил этилган. Бу ерда нархи 662,8 АҚШ

униги даромадларини оширишга қўлайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, умумтаълим мактаблари тартиқларини янада ривожлантириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди.

Биргина 2005 йилда 2004 йилга нисбатан япни ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 114,4, саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 100,2, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 113,7, пудрат ишлари ҳажми 119,3, чакана товар айланмаси ҳажми 115,6, пуллик хизмат ҳажми 127,8 ва маийш хизмат кўрсатиш ҳажми эса 110,9 фоизга кўпайди.

Ўтган йили вилоятдаги тижорат банклари ҳўжалик юритувчи субъектларга 4297,4 миллион сўм кредит маблағлари ажратган. Ана шу маблағларнинг деярли 40 фоизи узоқ муддатли қарз ҳисобланади.

Бугунги кунда вилоят бўйича 13 мингга яқин кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган. Ва шу тўғрисида 50 мингга яқин ишчи ўрни яратилди.

Вилоятда 51 та хорижий сармоядорлар иштирокида қўшма корхоналар ташкил

ўринларини ташкил этиш учун 12,1 миллиард сўм маблағ сарфланди.

15 йил! Бу мўддат тарих учун, нари борса, бир лаҳзадек гап. Аммо одамларимиз истиқлол неъматларидан ана шу қишлоқ даврда ҳам бениҳоя баҳраманд бўлди, десак муволажа эмас.

Истиқлол йилларида нималарга эришдик деган, савол кўплаб юртдошларим қатори менинг ҳам кўнглим тубида ётади. Исломнинг инсонпарварлик гоёялари муносиб ёъзоланди. Улуғ аждодларимизнинг пок номлари қайта тикланди. Эрк туйғуси элнинг кўзини очди.

Юқорида биз туману қишлоқларда юз бераётган ижобий ўзгаришларни тилга олдик. Гулистоннинг бекиёв даражада ўзгарганлигини гапирдик. Буларнинг ҳаммаси бор гаплар. Бугунги мактаб ўқувчисига вилоят маркази 15 йил муқаддам қамишзордан иборат эди, дегудек бўлса, у ишонмайди. Аслида шундай эди. Уша қамишзорда пашаёқчинлар кўкламу ёзда гулгон ўйнаб, яқин-атрофда яшовчи одамларни безор қилар эди. Эндиликда ана шу ташландиқ жойда гузал бир дам олиш маскани бар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Замонавий автосалонлар, улардаги шароит ва шинамлик баҳри-дилигизни очди. «Автотехизмат» бўлими ҳозир барча вилоятлар марказлари, шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатмоқда. «Асакабант» эса ўз мижозлари хизматига пешвоз чиқайтир.

Автомобилларимизнинг арзон бўлиши, четдан келтирилатган қисмларнинг ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйиш эвазига валютани тежаш, қолаверса, янги иш ўринларини қўлайтириш мақсадида маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Унга қўра, ўта сифатли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ўз Корам Ко», «Ўз Тонг Хонг Ко», «Ўз Донг Янг Ко» сингари қатор қўшма корхоналар ташкил этилди.

Улар томонидан шовқин пасайтиргичлар, бамперлар, ўтиргичлар, электр симлар, бўёқлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Мархатмат электротехника», «Электрорапарат», «Андижонкабель» сингари ўнлаб хиссадорлик жамиятлари, фирма-лар корхонага хорижийдан асло қўлишмайдиган эҳтиёт қисмлар етказиб бераётди.

Ортада қолган ўн йил — автомобилсозлар учун жиддий синов, жаҳон автомобилсозлиги ютуқларини ўрганиш ва қўллаш йиллари бўлди. Дастлаб Жанубий Кореяда касб-маҳоратини ошириб келган икки минг нафардан зиёд маҳаллий ёшлар эндиликда тажрибали, маҳоратли, етук мутахассис бўлиб шаклландилар. Улар Япония, Германия, Жанубий Кореядан келтирилган «ақли» роҷак болларни, тақомиллашган компьютерларни моҳирлик билан бошқармоқдалар.

Корхонамиз конвейердан биринчи «Дамас» тўшган кўни ҳеч қачон эсдан чиқаролмайман, — дейди йигуз чеҳи менежери Мухторжон Турсунов. — Наҳотки шу микровтобус ўзимизники бўлса! Уни ўзимиз ишлаб чиқарган бўлса. Ушунда ёнимдаги ҳамкасб йигитларнинг ҳам кўзлари қувончдан ёшлаган эди.

Мухторжон ва унинг сафдошлари ўшундан буён ички бозорга 12 хил рангда жиполианиб турувчи 367,655 та автомашинга етказиб беришди. Шунинг гурур билан таъкидлашни

истар эдикки, «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасининг маҳсулотларига нафақат юрти-мизда, балки МДҲ мамлакатлари, жумладан, Молдова, Озарбойжон, Киргизистон, Тожикистонда ҳам қизиқиш бўбора ортиб бераётди. Экспорт қилинаётган маҳсулотнинг 90 фоизга яқини Россия ҳиссасига тўғри келмоқда. Машиналаримиз Қозғоғистон ва Украина бозорларида ҳам тобора кўпроқ сотилмоқда.

Асакалик автомобилсозлар Ватанимиз мустақиллигининг қўлтуғ 15 йиллиги нишонланадиган йилда 120 минглик маррага етишга аҳд қилишган.

Табиики, бозор рақобати ақтиради. Шундан келиб чиқиб, асакалик автомобилсозлар харидорни маҳсулот қиқаришини асосий мақсад деб билдилар. Жамоа январь — май ойларида 50.500 дона автомобилни конвейердан туширди. Холбуки, ўтган йил-

нинг шу даврида бу кўрсаткич 42.680 донани ташкил этган эди.

Президентиимиз Истиклол тонгида юртимизда автомобил заводи қуришдек эзу мақсадларда йўналиш берилди. Қўшма корхонага қўрилган маҳсулотни моҳирлик билан бошқармоқдалар.

Корхонамиз конвейердан биринчи «Дамас» тўшган кўни ҳеч қачон эсдан чиқаролмайман, — дейди йигуз чеҳи менежери Мухторжон Турсунов. — Наҳотки шу микровтобус ўзимизники бўлса! Уни ўзимиз ишлаб чиқарган бўлса. Ушунда ёнимдаги ҳамкасб йигитларнинг ҳам кўзлари қувончдан ёшлаган эди.

Мухторжон ва унинг сафдошлари ўшундан буён ички бозорга 12 хил рангда жиполианиб турувчи 367,655 та автомашинга етказиб беришди. Шунинг гурур билан таъкидлашни

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири, Ш. ОЛИМОВ (Ў.А) олин суратлар.

Газеталарни ўтказиб юборманг

Ўзбекистон овози 18 июль. Ортиқон Бурхонова «Музыка — илоҳий неъмат»:

«Дилором Омонуллоева: Миллат менталитети, ўзбекона лутф, миллий аънавалар, деган тўшунчалар бор. Биз шу миллат иходкоримизми, бошқа халқлардан «ғирлаб» эмас, балки ўрناк бўлгулик мусикалар яратмоғимиз керак. Афсуски, бундай ўғринча мусикалардан яратилмаётган қўшқлар FM радиоларида, телевидениенинг айрим каналларида ҳеч қандай тўқисиз бериб боришмоқда. Бу соҳага масъуллар эса «мудраб ўтиришибди».

«Қишлоқ ҳаёти» 18 июль. Н Ортиқов, Ш. Холмуродов «Асрларга татийди йиллар»:

«Буюк истиқлолдан баҳра олган сирдарёликлар Мустақилликнинг 15 йиллигини муносиб меҳнат тўёналари билан қўтиб олиш учун дилларига бир олам эзу ниятларини тўққан ҳолда бундан жабҳаларда фидокорлик кўрсатмоқдалар. Бугун вилоят марказидаги катта қурилишлар, бунёдкорлик ишлари туманларга, қишлоқларга ҳам кўчган. Қарога қараман, бир ўзгариш кўрасиз».

«Ишонч» 18 июль. Зайниддин Рихисев «Савоб ишни хар ким, хар кўни қилиши керак»:

«Шундайлар борки, ўзи қийналиб қолган бўлса-да, қўни-қўни, таниш-билишинг кўмагини қабул қилмайди. Вақти келиб ишларинг ўнглини кетса, сиз ҳам шундай ҳиммат кўчасидан ўтарсиз, деганингиздан кейингина ўйлаб қолди. Бундай халқ яна қарога бор?!».

«Инсон ва қонун» 18 июль. Дилфуза Раҳимбекова «Йўллар ва кўприклар — она юрт кўрки»:

«Айтишларича, йўлда ётган тошни бир четга олиб қўйган инсон гуноҳидан фориғ бўлар экан. Инчунун, Мустақил юртимизнинг олтин камари бўлган йўл ва кўприкларини бунёд этаётган йўлсиз, деганингиздан кейингина ўйлаб қолди. Бундай халқ яна қарога бор?!».

Акс-садо

Бир киши ҳамма газетани ўқиб чиқиб иккони йўқ. «Халқ сўзи» саҳифаларида турли наирларда чоп этилган эътиборли мақолалар ҳақида маълумот беришга аниқ аниқ мўддао бўлди. Алар туман ва шаҳар миқёсидаги матбуотга ҳам эътибор қилинса дуруст бўларди.

Абдунозар ХОЛМОНОВ, «Учиннома» газетаси муҳаррири.

Associated Press тарқатган хабарларга кўра, Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевичнинг беваси Мира Марковичга нисбатан Сербия томонидан халқаро қидирув эълон қилинди.




ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Индонезияда яна цунами

Индонезиянинг Ява оролига баландлиги 2 метрлик цунами келиб урилган. Сал аввалроқ ушбу ҳудудда Рихтер шкаласи бўйича 7,2 баллга тенг зилзила юз берган эди, деб хабар беради РИА «Новости». Associated Press агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, ҳалок бўлганлар сони 226 нафарга етди. Қурбон бўлганлар, жароҳатланганлар ва вайронагарчиликлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамон тўхтамаяпти. «Интерфакс» хабарида айтилишича, оролда ваҳима кўтарилган, 10 минг нафарга яқин одам ўз уйини тарк этди. Қутқарув ва қидирув ишлари бошлаб юборилди.

Индонезия сейсмик жиҳатдан дунёдаги энг хавфли минтақа ҳисобланади. 2004 йил декабрда Суматра оролининг гарбий қисмида содир бўлган 9,2 баллик зилзила натижасида фожиали цунами юз берганди. Индонезиядан то шарқий Африкагача бўлган қирғоқларга келиб урилган бу табиий офат 230 минг кишини ҳаётига зомин бўлганди.



Ўн баробар қиммат

Санкт-Петербургда «Катта саккизлик» саммитини ўтказиш бу сафар салкам 40 миллиард рублга тушди, деб ёзади «Новые Известия» газетаси. Нашрнинг қайд этишича, 68 давлатлари раҳбарларининг ўтган гал Буюк Британиядаги учрашувларига тайёргарлик ва уни ўтказиш учун 80 миллион фунт (4 миллиард рубль) сарфланган эди. Бу пуллар асосан, шаҳарни ободонлаштириш, бинолар кўринишини реконструкция қилиш, аэропорتنинг қўниш майдонларини ҳамда Санкт-Петербургда халқа йўлини қайта қуришга сарфланган.

теъмол қилганликда айбланмоқда. Шунингдек, суд шу йил март ойида Маркович эрининг дафн маросимига бориш учун кетганда адвокатлар томонидан гаров сифатида қўйилган 18 минг доллар пулни мусодала қилиш ҳақида ҳам буйруқ берди. 2003 йилдан буён Мира Маркович Россия ҳудудида истиқомат қилиб келади.



Мира Маркович қидирилмоқда

Серб суди Маркович навбатдаги судга ҳам келмагач, шундай қарорга келди. Аёл турмуш ўртоғи Милошевич ҳукумат тепасида бўлган пайтда ўз ваколатларини суиистеъмоқда.

Вазият кескинлашганда...

«Хизболлох» террорчилик ташкилоти раҳбарияти Исроил томонидан халқаро воситачилар орқали таклиф этилган ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги таклифни рад этди. Ташкилот воситачиларини ҳам «Исроил агрессиясига қўмақчилик»да айблади. Чунки уларнинг фикрича, Исроил томони атайин қабул қилиб



Ироқни тарк этишди

220 кишидан иборат ҳарбийларнинг сўнги гуруҳи Ироқнинг Самав шаҳридан Кувейтга етиб келди. Япония ҳукумати Ироқдаги қўшинларни олиб чиқиш ҳақида июнь ойи охирида қарор қабул қилганди. Ироққа

Япония ўзининг Ироқдаги ҳарбий контингентини олиб чиқиш жараёнини тугатди.

Хитойда «Билис» тўфони

Хитой жанубида кўтарилган «Билис» тўфони 177 кишининг ҳаётига зомин бўлди, деб ёзади The Times газетаси. Бундан ташқари, Хунань, Гуандун ва Фуцзянь музофотларида яшовчи яна 138 киши бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда. Жала аралаш кўтарилган жуда кучли шамол минтақадаги 113 мингдан зиёд уйни вайрон қилди. 160 минг гектардан ортиқ экин майдони сув остида қолди. «Билис» тўфони натижасида келтирилган зарар 12 миллиард юань (1,5 миллиард доллар) га баҳоланаяпти. Устига устак, мутահассислар ёмғирлар яна икки кун тўхтамаслигини айтишмоқда.

«Синьхуа» агентлиги маълумотларига кўра, ушбу офатдан жами 20 миллионга яқин аҳоли зарар кўрди, уларнинг 2,2 миллион нафари эвакуация қилинди.

бўлмайдиган шартлар қўйган. Эслатиб ўтамиз, Исроил «Хизболлох»дан жангларни тўхтатиш, ўғирлаб кетилган икки аскарни воситачилар орқали қайтариб бериш ва Жанубий Ливанни мунтазам армияга бўшатиб беришни талаб қилмоқда. Айни пайтда БМТ БШ ҳотиби Кофи Аннан томонидан юборилган вакил Виджай Намбьяр дастлабки музокаралардан сўнг масалани дипломатик йўллар билан ҳал этиш мумкинлигига ишонч билдирди.

Discovery шаттли Ерга қайтди

6 нафар фазогирни коинотга олиб чиққан Discovery шаттли АҚШ ҳудудига муваффақият билан қўнди, деб хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги. «Кеманинг 13 кунлик парвози ўз олдига қўйилган вазифаларни удалади. Илк натижалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, шаттларни мунтазам учирлишига ҳеч қандай тўсиқ йўқ», деб баёнот берди НАСАнинг Россиядаги вакили Сергей Цузанов. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу парвознинг энг муҳим натижаси шу бўлдики, «Колумбия» шаттларнинг фалокатидан сўнг тўхтатиб қўйилган Space Shuttle дастури энди яна давом эттирилади. НАСА раҳбарияти навбатдаги «Атлантис» шаттли яқин бир-икки ой ичида учирлишини маълум қилди.

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги **академик лицей**
2006-2007 ўқув йили учун 9-синф битирувчиларини **ўқишга таклиф этади.**
Хужжатлар 31 июлга қадар қабул қилинади.
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, С.Машҳадий кўчаси, 217-уй.
Телефонлар: 169-39-90, 169-39-91.

И славянские обое
Российский линолеум
производства **ОАО «ЩекиноАзот»**
г. Тула
тел. 134-48-11,
факс 134-49-58.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ **АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ**
2006-2007 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган иқтидорли ўқувчиларга қуйидаги йўналиш бўйича **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**
Манзил: 700195, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5, 88-уй.
Телефонлар: 135-67-41, 135-43-39.

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР (ТАРИХ, ҲУҚУҚ, ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ИНГЛИЗ, НЕМИС, ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ, ИНФОРМАТИКА).
Хужжатлар жорий йилнинг 20 июнидан 31 июлга қадар қабул қилинади.
МАСЛАХАТ ГУРУҲИГА ҚУЙИДАГИ ХУЖЖАТЛАР ҲАҚИДАГИ ҚИРИВЧИЛАР ТОМОНИДАН ШАХСАН ТАКДИМ ЭТИЛАДИ:
• таълим муассасаси директори номига ариза;
• ўқувчининг тузилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма (гувоҳноманинг асли маслаҳат гуруҳи вакилига шахсан кўрсатилади);
• 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
• доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;
• 3 x 4 ёки 4 x 6 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
• 9-синфини битирганлиги ҳақидаги шаҳодатноманинг асл нусхаси;
• касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис марказининг тавсияномаси.

Қадрли дўстлар!

"ЎЗДЭУавто" компанияси



Матлақати мизда ишлаб чиқарилган миллий автомобилларнинг барча эгаларини, айниқса Ўзбекистон автомобилсозлик тармоғи ишчи-хизматчиларини «ЎЗДЭУ» русумли биринчи автомобиль ишлаб чиқарилганлигининг ўн йиллиги билан самимий қўтлайди.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, ҳаётининг бахт ва қувонч, оилавий фаровонлик, яратувчилик меҳнатингизда омад ва катта муваффақиятлар, бошлаган барча хайрли ишларингиз бароридан келишини, юртимизда тинчлик барқарор бўлишини чин қалбимиздан тилаймиз.

Ҳаёт йўлингиз кўзгудек ёрқин ва равон, автомобилнингиз эса сизга омад келтирувчи, ишончли ҳамда чаққон йўлдош бўлсин. Ҳали шахсий машинасига эга бўлмаганларга эса жорий йил давомида, «ЎЗДЭУ» русумли автомобилларининг ижобий жиҳатларини ўз тажрибаларида синаб кўриш бахтига муяссар бўлишларини тилаймиз.



Ҳар бирингизнинг дилингиздаги эзиз чини ва орзуларингиз рўёбга чиқсин!

«ЎЗДЭУавто» компанияси

Руслан яна бир камар эгаси



Профессионал бокснинг ўта оғир вазн тоифасида фаолият юритаётган ҳамюртимиз Руслан Чагаев Гамбург шаҳрида ўзининг навбатдаги галабасини нишонлади.

Буюк британиялик тажрибали боксчи Майкл Шпротт билан бўлган жангнинг саккизинчи раундда у рақибини техник нокаут ҳолатига туширди. Бу билан Анджон бокс мактаби вакили нафақат китъалараро (WBA) чемпионлик камарини сақлаб қолди, балки ўта оғир вазнда WBO Asia Pacific чемпионлик камарини ҳам қўлга киритди. Руслан Чагаев бугунгача профессионал

боксда 22 та жанг ўтказиб, шундан 21 тасида галаба қозongan (17 та нокаут), 1 та учрашув дуранг натижа билан якунланган. Майкл Шпротт эса 38 та жанг ўтказган. 28 та галаба (14 та нокаут), 10 та мағлубият.

Энвудулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАЪТИЛ — СПОРТ БИЛАН МАРОҚЛИ

Юртимизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болалар спортини оммавий ҳаракатга айлантириш борасидаги тадбирлар кўламини тобора кенгаймоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғар-

маси томонидан ўтказилаётган «Ёғи таътил — 2006» спорт мусобақаларининг худудий босқич беллашувлари давом этмоқда. Жумладан, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида ўтган «Ёғи таътил — 2006» спорт мусобақаларида 162 нафар ўғил-қиз бас-

кетбол, волейбол, футбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича ўзаро куч синошиди. Фойиб жамоаларга ҳомий ташкилотлар томонидан таъяс этилган эсдалик совғалари топширилди.

Қ.КАРШИВ,
ЎзА мухбири.

... Ривоят қилишларича яхши бир оиланинг фарзанди улғайган, ўғрилики касб қилиб олибди. Авлод-аждоди динсофли, динбатли бўлган инсонларнинг фарзанди ўғри, каззоб бўлиб қолганлиги барчани ўйга толдирибди. Сабобини қидиришибди, Бирок топишолмабди. Шунда бир кайвони онахон: «Келин, мабодо бошқоронғилик пайтинғизда эгасидан бесўроқ бирор нарса емаганмидингиз?» деб сўрабди. Аёл ўйга толибди ва ўғлига бошқоронғи бўлган даврда бировнинг ботида пишиб турган олмани бесўроқ олиб еганлиги ёдига тушибди. Аёл барча қусур бировнинг ҳақиқа хибнат қилганлиғида аканлигини англаб етибди. Қиссадан хисса шуки, бировнинг ҳақиқа қилинган хибнат ҳеч қачон исзис кетмайди. Эртани-кечми бунинг учун жазо муқаррабдир.

— Тўғри, бу бир ривоят. Бирок, ривоят заминидан жуда катта ҳикмат — ўғаллар мулкига қўз олайтирма, деган ҳақиқат ётади.

Шоҳидамас, барғидами?
Яқинда қизик воқеа юз берди. Қўтилмаганда уйимизга самарқандлик танишим Бувиниёз кириб келди. Унинг юзлари бўғриққан, қўллари хавотирли эди. Салом-алиқдан сўнг ташвишининг сабабини сўрадим. — Сиз сўраманг, мен айтмай. Фирибгарга учрадим, бор тиллаларимни шилиб кетди. Ахмоқ бўлмасам, ўз қўлларим билан ечиб бераманми? Йлоҳим, буюрмасин! Танишимнинг айтишича, ўзи вақтинча яшаётган Юнусобод даҳасидан метрога тушиш мақсадига эрталаб йўл ёқалаб кела бошлаган. Метрога яқинлашганда кимдир уни «қачирган».

— Кечирасиз опаюнон, мана бу долларлар сизники эмасми?

Атрофда ҳеч ким йўқ. Фақат башанг қийинган боғи зийлинома йигит ва у.

— Йўқ, меники эмас, — эйтибросилди билан жавоб беради у.

— Демак, кимдир тушириб қолдирибди. Эгаси бўлмагач, бизники-да, тўғрими опа? Келинг, санаб кўраимиз.

Йигит долларни ўзича санаб берибди. Нақд олти минг доллар!

— Опа, инкаламиз бўлишиб оламизми?

— Йўғе, менга бировнинг пули керак эмас. Балки эгаси қидириб келиб қолар.

Бирок, нафс бало. У ҳар қандай кишини йўлдан оздириш қудратига эга. Йигит бунинг севаси чоғи, аёлнинг қўлига бир сиким АҚШ долларини тутқазади. Бу орада узқокдан бир йигит кела бошлабди.

— Опа, бу пуллар сизда турсин. Бирор соатлардан кейин шу ерда учрашамиз. У аёлнинг қўлидаги пуллари олиб дастурмолга ўраб, яна унга қайтаради.

— Фақат, гаров сифатида тиллаларингизни беринг.

Бувиниёз ўйлаб кўрса, қўлидаги пулга ўзидаги тиллалардан бир сумкасини

изохлайман?
«Совға» тарздаги судхўрлик

Судхўрлик гўноҳи? Ахир сиз берган пул кимнингдир қорига ярайди, ундан фойдаланади, хожати чиқади. Эвазига сиз ҳам маълум миқдорда манфаатдор бўлишингиз керак-ку!

— Қизим, Аллоҳнинг вақтини сотишга ҳеч кимнинг

Нигорахон ўзида йўқ хурсанд эди. «Ўтган ой 52 минг сўмлик чанготиғи совға қилдим, раҳмат, инсофли одамлар экан. Кам дейишмади». Ўзидан, рўзгоридан ортириб қарзларини ҳам тўлай бошлади.

Қуни кеча ўша аёлни уратиб қолдим. Мени кўриб дард «дафтари» очилди чоғи, йиғлаб юборди.

— Бу ой рангли телевизор совға қиласиз, бўлмасам пулни қайтаринг, дейишди. Улар айтган телевизор 250

хам киритилибди. Бирок, Хажга бормабди, боролмабди. Қишлоқни иккига бўлиб катта канал оқар экан. Ўша йили сел келиб қанал устидаги қишлоқ бузиб юборибди. Натижада қишлоқ болалари 5-6 қақирим йўл боғида қишлоқдаги мактабга қатнай бошлабди. Шунда отахон «Мен эибратта кейинги йил борарман», деб пешона тери эвазига йўқан кўприк қўрибди. Балки, отахон кейинги йили хаж сафарига бориб қелгандир. Бирок қишлоққа кўприк қўрибди қанча совғага доҳил бўлганлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а? Қолаверса, орамида ўз ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун тўй қилиб бераётганлар, уй-жой қуриб бераётганлар қанчами? Бир-бирларига таъмасиз кўмак бераётганларича?

Ҳалоллик
Ўтган йили дугоним билан «Чилонзор буюм бозори»га борган эдик. Уйга қайтгач, дугоним бозорда ҳамини қолдирганини пайкаб қолдик. «Нима қилиш керак?! Балки ҳамён алпаққон «эгаси»ни топиб уларгадан...» Минг бир истихолога билан «чиқмаган жондан умид», дея бозорга қайтдик ва нарса харид қилган жойларимизни қўздан кечирдик.

— Синглим, кеча биздан туфли олгандингиз, ёқдимми? Овоз келган томонга қарадик, таниш чехра.

— Кеча эмас, бугун, эрталаб. — Дугоним учун жавоб бердим.

— Хеч нарса қолдириб кетмадингларми?

Опахоннинг гапи кўнглимизга нур олиб кирди. Ахир ҳаманда юз минг сўмдан зиёд пул бор эди-да! Маошга кун кўрадиган киши учун бу катта пул.

Хамини қолдириб кетибман, ичидан юз мингдан зиёд пул бор эди-да! Насиб қилса, бу йил қўз чиқарадиганман, шунга бозор қилгани тушгандик...

Аёл қўнглимизга ҳамини тутқазди. Дугоним уни олди-да, қўзларига ёш келди. У аёлга бир даста пул тутқазаркан: — Раҳмат, опаюнон, бу — суюнчисини! — деди миннатдорлик билан.

— Синглим, менга қувонганингизни ўзи сўзиди. Бу бировнинг ҳақи. Хар бандга ҳалолдан буюрсин.

Харчанд илтимос қилса-ку, у «суюнчи»ни олмади. Бировларнинг ҳақиқа хибнат қилмайдиган юртдошларимиз қўлигидан қувондим.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Тан олиш керак, биз қўпам бировнинг насибаси, бировнинг ҳақи ҳақида жон қойтавермаймиз. Исроф қилинган савабимиз, мена-чевамиз, ону тузимиз бировнинг насибаси бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз ҳам. Аслида эса, бу пулда ҳамма нарса, инсон умри сингари ўлчоғли. Билиб-билмай, бировнинг ҳақиқа хибнат қилганимиз. Ана шу хибнат бора-бора бизнинг қонимизга сингиб, келгуси авлодларимизга руҳиятига ҳам таъсир қилиши — суяк суриши» мумкинлиги ҳақида ўйламаймиз. Бу билан нафақат бировнинг ҳақиқа, балки келажакимизга ҳам хибнат қилган бўламиз.

олиш мумкин... У ўйлаб ўтирмасдан зираги ва узугини ечиб беради. Бу орада яқинлашиб келган йигит уй олиш учун йўқан пулини йўқотиб қўйганлигини айтган...

— Сиз олдингга қараб кетаверинг, мен уни қалғитиб орқангиздан етиб бораман.

Бувиниёз олднори хаёллар гирдобидан олдингга юрган. Пулнинг уч минг долларини унга тегса, нималар олишни хомчўт қила бошлаган. Бир кўнгли, уйингга кетвор, эртага ўқийинг туғаб қишлоққа қайтасан, сени қаердан ҳам топа оларди, дейди. Аёл шайтоннинг йўлига кирган ва ўқийиша боришни ҳам унутиб, тўғри ижарадаги уйга келган. Не-не орау-умидлар билан дастурмолича очса, унда бир сиким қалбаки доллар ўралган экан.

Шундай қилиб бировнинг мулкига қўз олайтирган аёл ўз буюмларидан ҳам ажраб қолди.

— Очиги, милицияга арз қилишга уялдим, — дейди дугоним. — Ахир уларга воқеани қандай тушунтираман? Болаларим эшитса, ким деган одам бўлман? Бировнинг мулкига қўз олайтириб, шу ҳолга тушганимни қандай

ҳақи йўқ. Судхўрларни ер ҳам қабул қилмас экан, — дедилар раҳматли онам. — Зорикдан одам минг истихолога билан ёнингга келади. Уни мулазим қилиш, ёки но-чор ҳолатидан фойдаланиш гуноҳ эмасми?

Онаминг сўзларини эслаб, беихтиёр яқинда бўлган бир воқеа ёдимга тушди.

Ўтган йилнинг охирида Нигорахон исми танишим қиз узади. Икки қизни килригиде асраб ўстираётган ёлғиз аёлга осон бўлмади, қарга ботди. Махбурдан ўзини савдога урди. Дастма учун маблаг керак. Хар қалай маҳалаларида яшовчи ҳаж арқонларини бажариб келган одам унга ярим миллион сўм қара бериб тураридан бўлибди.

— Менга фоиз-моизи керак эмас, хар ойда совға-салом қилиб турсангиз бўлди, — дея пулни тутқазди.

— Мендан «тихта» ҳам талаб қилишмади, — дейди у хурсанд бўлиб. Очиги, унинг мушкул осон бўлганлигини эшитиб қувондик. Инсофли, динбатли одамлар борлигига шукроналар қилдик. Уй-рўзгордан ортириб ўзимиз ёрдам беролганимиздан кейин, дарқалай, совға-салом от билан тўз бўлармиди... Асли Хоразмдан бўлган



Минг туради. Агар ҳозир шунча пулим бўлса, ярим қаримдан қулупмасимдим. Савдогарлардан насияга мол олиб сотаялган, харна-да. Ойлигимни қаримга берсам, савдодан тушган пулга рўзгор тейратаялман. Қизимнинг қўзи ёрийдиган. Олдинда «бешик тўй»...

Аёл дардини айтиб бироз енгиллагандай бўлди.

Қизик, «совға» деб аталаётган нарса аслида судхўрлик эмасми? Хар икки ҳолатда ҳам одам Аллоҳнинг вақти ҳисобидан манфаат қўраятти-ку! Агар «судхўрлик» «совға» деб аталадиган бўлса, унинг мазмун-моҳияти ўзгариб қоладики?

«Совға»нинг талаб қилиб олинадиган тури мени ажаблантирди. Махбурий-ихтирий тартибда «совға» олиш ҳам, судхўрлик ҳам кимнингдир ҳақиқа хибнат қилиш эмасми? Балки ўша шахс судхўрлик қилишнинг бандасидан яшираётгандир, бирок...

Бундан бир неча йил муқаддам Жиззахдан бир муқаддам келди: бахмаллик бир киши Ҳаж эибратига бориш учун тўрт-бешта мол боқибди, уч-тўрт йил астойдил йиғинибди. Ўша йил Ҳаж эибратига борувчилар рўйхатига

Ташкилот ва фирмалар раҳбарлари диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҳузуридаги
БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ
СПОРТ КИЙИМЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА
ОЧИҚ ТЕНДЕР (ТТ-2006-IV) САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган этиб Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг болалар спорт мажмуаларини спорт анжомлари билан таъминлаш бўлими белгиланган.
Тендер савдоларида спорт кийимлари ва анжомлари ишлаб чиқарувчи ва етказиб бериш ҳамда шу турдаги маҳсулотларни етказиб бериш таърибасига эга бўлган хорижий ва маҳаллий ташкилот ва фирмалар иштирок этишлари мумкин.
Тендер савдоларида қуйидаги шартларга жавоб бермайдиган фирма ва ташкилотлар иштирок эта олмайди:
• қайта тузиллиш, тугатилиш ва банкрот ҳолатларида турган;
• белгиланган муддатларда дастлабки кўриб чиқиш учун барча керакли ҳужжатларни тақдим этмаганлар;
• илгари тузилган шартномалар юзасидан ўз мажбуриятларини керакли ҳолда бажармаган;
• тендер эълон қилинганга қадар тузилганига 6 ой тўлмаган;
• бюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж кўриб чиқиш ҳолатидагилар;
• тижорат ва молиявий кўрсаткичлари тендер комиссияси талабларига жавоб бермайдиган.
Тендер(ТТ-2006-IV) савдолари бўйича тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.
Тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги муддати — 2005 йил 19 август кунин Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.
Тендер савдолари ўтказиш тартиби бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун даъвогарлар хар кунин соат 9.00 дан 18.00 гача (шанба ва яқшабадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги кунига қадар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг болалар спорт мажмуаларини спорт анжомлари билан таъминлаш бўлимидан, қуйидаги манзилдан олишлари мумкин:
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мовароуннаҳр к., 14-уй.
Тел: 132-22-35. Факс: 136-35-73.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАКОНЛИГИНИНГ КЛИЕНТИДИР!

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГТА

ТУЛОВ ШАКЛИ ТУРЛИЧА

- ГАЗ-31105, «ВОЛГА»
- ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли
- ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
- ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли
- ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
- ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
• «Волга» автомобиллари;
• 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
• 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн., 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари;
ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь»;
ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-оқақ, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидроқўтарғичлар, автоустахоналар, бургулаш (буrowье), қичқиди ташийдиган, мобил билбордлар, автозакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сўт ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳриринг компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажин 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев.
Навбатчи — З. Амурова.
Муеаххис — М. Екубова.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5 6